

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқи

ТУРОБОВ ҲОТАМ ХУСАНБОЕВИЧ

**11-12 ЁШЛИ ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРДА МАХСУС ТАЙЁРГАРЛИГИНИ
ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

Таълим йўналиши: 5 810202 «Спорт» (волейбол)

ДИССЕРТАЦИЯ
педагогика магистри даражасини олиш учун ёзилган

Иш кўриб чиқилди ва
ҳимояга қўйилди.
«Жисмоний тарбия назарияси
ва услубияти» кафедра мудири
п.ф.д., проф. Керимов Ф.А.
«_____» _____ 2011й.

Илмий раҳбар:
проф. Юнусов Т.Т.

Тошкент – 2011й.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I боб. Адабиётлар таҳлили	6
Ёш волейболчиларни дастлабки тайёрлаш хусусиятлари	6
Волейбол ўйинида сакровчанлик сифатини аҳамияти	12
Ёш волейболчиларни тайёрлашда жисмоний сифатларнинг ва ҳаракатли ўйинлар ўрни	18
11-12 ёшли болаларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш	
халқ ҳаракатли ўйинлари	28
Ёш волейболчиларда махсус сифатларни ривожлантиришда масалалари	35
II боб. Тадқиқотни мақсади, вазифалари, услубияти ва уни ташкил қилиш	38
2.1. Тадқиқот мақсади	38
2.2. Тадқиқот вазифалари	38
2.3. Тадқиқот услублари	38
2.3.1. Илмий услубий адабиётлари таҳлили	41
2.3.2. Педагогик тест машқлари	42
2.3.3. Педагогик тажриба	43
2.3.4. Математик статистика услублари	43
2.4. Тадқиқотни ташикллаштириш	44
III боб. Тадқиқот натижалари	45
3.1. 11-12 ёшли волейболчиларнинг махсус жисмоний кўрсаткичлари	
Ҳолати	45
3.2. Дастлабки ўргатиш босқичида 11-12 ёшли волейболчилар сакровчанлигини махсус машқлар ва ҳаракатли ўйинлар ёрдамида самарали ошириш имконияти	48
Хулоса	60
Амалий тавсиялар	61
Иловалар	62
Адабиётлар	71

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Сўнгги йиллар давомида барча спорт турлари каби волейбол ҳам юртбошимизнинг оқилона сиёсати туфайли юксак траққиёт сари интиломоқда. Жумладан, «кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларига ҳамоҳанг бўлган узлуксиз мусобақалар тизими дастурларида волейболни мустаҳкам ўрин эгаллаганлиги бунга яққол мисол бўла олади.

Шу билан бир қаторда волейболнинг халқаро миқёсидаги мавқеи ханузгача сезиларди даражада кўзга ташланмаяпти. фикримизча, бунинг сабабларидан бири шу кунгача болалар спортга жиддий эътибор қаратилмаётганида эди. Президентмиз И.А.Каримов ташаббуси билан 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган.

«Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги фармони ва шу масалага оид Вазирлар маҳкамасининг Қарори (30.10.02 й). Ушбу мумаммони изчиллик билан ижобий ҳал этилишга имкон яратади. Таъкидлаш ўринлики қайд этилган ҳужжатларда боллар спортини ривожлантиришга оид илмий-услубий тадқиқотларни ўтказиш асосида истеъдодли спортчилар тайёрлашнинг илғор технологияларини амалга тадбиқ қилиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Замонавий волейболда сакраб ижро этиладиган ўйин малакаларининг самарадорлиги сакровчанлик ва сакраш чидамкорлиги билан бевосита боғлиқ. Бинобарин, юқори маҳоратли волейболчиларни тайёрлаш жараёнида сакровчанлик ва сакраш чидамкорлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият кашф этади. Маълумки, муқаддам волейбол ўйинида ҳужум зарблари асосан вертикал сакраш орқали ижро этилиб келинган бўлса, сўнгги йилларда бу малакаларни ҳимоя зонасидан амалга оширилиши борган сари кучайиб бораётганлиги диагонал (баландга узунликка) йўналишда

сакраш қобилиятини ҳам изчиллик билан шакллантириш заруриятини ўртага ташламоқда. Таъкидлаш ўринлики, сакраб ижро этиладиган ўйин малакалари (хужум зарбаси, тўсиқ қўйиш, узатиш, қабул қилиш, тўп киритиш) бир мусобақа учрашуви давомида 300-600 маротаба қайтарилиши мумкин.

Демак ушбу малакаларни кўп маротаба ижро этилиши сакраш билан белгиланади. Шундай экан сакровчанлик ва сакраш чидамкорлиги сифатларини дастлабки ўргатиш босқичига узлуксиз шакллантириб борилиш мақсадга мувофиқдир. (Ю.Д. Железняк 1962, Перльман 1969, А.Б. Беляев 1975, Ахмеров 1978, Л.Р.Айрапетьянц 1983, Е.В. Фолин 1986, М.Байирбеков 2003 ва бошқалар).

Дастлабки ўргатиш босқичида ёш волейболчи болаларнинг сакровчанлигини ривожлантирувчи машқларни жуда эҳтиёткорлик билан қўллаш педагогик жараённинг энг асосий сифатларидан биридир. Чунки, меъёридан ортиқ бўлган машқларни сурункали қўллаш катта юклама сифатида, оёқ мушакларини ва бўғинларда зўриқиш асоратини вужудга келтирилиши мумкин. Бу эса бора-бора ўз навбатида патологик ўзгаришларга олиб келиши эҳтимолдан холи эмас. Аксинча меъёридан кам даражада қўлланиладиган машқлар сакровчанлик ва сакраш, чидамкорлигини ривожлантирмаслиги ёки суст ривожланиш исбот талаб қилмайди. Демак, ёш волейболчиларни тайёрлаш жараёнида, айниқса дастлабки ўргатиш босқичида, сакровчанликни ривожлантирувчи анъанавий ва ноанъанавий машқларни ҳаракатли ўйинларни қўллаш самарадорлигини тадқиқот асосида исботлаб бериб волейбол амалиётининг ўта долзарб масалаларидан биридир.

Илмий фараз. Ёш волейболчиларни тайёрлашда сакровчанликни ривожлантиришга оид махсус машқларни айланма тезланишлар билан боғлиқ бўлган ноанъанавий машқлар ва ҳаракатли ўйинлар таъсирида мунтазам қўллай бориш самарали натижага олиб келиши ўз исботини топади.

Ишнинг илмий янгилиги. Дастлабки ўргатиш босқичида ёш волейболчилар ўқув-машғулотларида сакровчанлик махсус сифатни ривожлантиришга оид махсус машқларни айланма тезланиш машқлари билан қўшиб қўллай бориш нафақат шу сифатларни жадал ўсишига олиб келди, балки баъзи бошқа сифатлар (куч, куч чидамкорлиги, тезкор-куч)ни ва мувозанат сақлаш функциясини ҳам шаклланишига имкон яратди. Амалдаги намунавий дастур асосида шуғулланиб келган шу ёшдаги болаларда эса бу сифатларнинг ўсиши нисбатан суст эканлиги аниқланди.

Ишнинг амалий аҳамияти. Тадқиқот давомида қайд этилган илмий натижалар, уларнинг муҳокамаси, фойдаланилган, тест-услублар, махсус ва ноанъанавий машқлар, ҳаракатли ўйинлар ишнинг якуний хулосаларини ёш волейболчиларни тайёрлаш амалиётига жорий этиш ўқув тренировка жараёнини самарали ташкил қилишига имкон яратади.

Ишнинг мақсади. Дастлабки ўргатиш босқичида шуғулланаётган ёш волейболчилар сакровчанлик сифатини ривожлантиришга мўлжалланган махсус ва ноанъанавий машқлардан ва ҳаракатли ўйинлардан иборат тренировка жараёни самарасини ўрганишга бағишланган.

Ушбу диссертация иши «Кириш» 3 та боб, «Хулоса», «Амалий тавсиялар» 12 та жадвал 2 та диаграмма ва адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган бўлиб, компьютер матнида 70 бетдан иборат.

I БОБ. АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ

1.1 Ёш волейболчиларни дастлабки тайёрлаш хусусиятлари

Адабиётлар манбалари, педагогик кузатувлар ва мутахассисларнинг амалий тажрибалари БУСМ бошланғич тайёрлаш гуруҳлардаги болаларни танлаш, ёш волейболчиларни кейинги босқичма-босқич танлаш ва тайёрлаш бўлажак жараёнга тайёргарлик каби муҳим масъулиятли вазифа ҳисобланишини кўрсатади.

Кўп йиллик босқичма-босқич режа асосида тайёрлаш, ёш спортчилар индивидуал лаёқатларини жонлантириш, ҳаётий муҳим қобилиятларини кўп йиллик тайёрлик кейинги даврларида танлашда муҳим омил ҳисобланган организмнинг резерв имкониятларини максимал намоён этиш учун шароит яратиш керак.

Шундай қилиб, танлаш ва тайёрлашнинг ўзаро боғлиқлиги угулланувчиларни босқичма-босқич танлашни ва уларнинг жисмоний сифатларини босқичма-босқич ривожлантириш, танлаган спорт турида техник-тактик маҳоратини эгаллаш ва такомиллаштиришни кузда тутади (23,66).

Диссертация иши вазифалари бўйича ёш волейболчиларни тайёрлаш бошланғич даври мазмуни махсус аҳамиятга эга. Қатор мутахассисларнинг фикрича, (5,44,45,46,60) дастлабки тайёрлов даврида тайёрлаш мазмуни болаларнинг жисмоний ривожланишларига, таянч ҳаракатланиш аппарати мустаҳкамланишига, жисмоний сифатлар тарбияланишига (тезлиги, координацион қобилиятлари, эпчиллик ва бошқалар), шу жумладан, волейбол ўйинида техника асосларини эгаллашда зарур бўлган махсус жисмоний сифатлари ва қобилиятларини тарбиялашга ёрдам берувчи воситалардан фойдаланишдан иборат бўлиши керак.

Бола организми хусусиятларини, жисмоний ривожланганлиги

тайёргарлиги даражасини ҳисобга олиб кўпчилик муаллифлар (37,70,75,77). Жисмоний, баъзида эса техник тайёргарлик воситаси сифатида ҳам тайёрлаш бошланғич давларида халқ ҳаракатли ўйинларидан фойдаланишни тавсия этадилар.

Қатор мутахассислар (23,45,46) тайёргарлик бошланғич масалаларини ҳал этиш учун жисмоний машқлар билан бир қаторда волейболга тайёрлаш сифатида, халқ ҳаракатли ўйинларидан фойдаланиш, зарур деб ҳисоблайдилар. Чунки бошланғич ва умумий таянч тайёргарлик даврида улар жисмоний ривожланиши масалаларини ҳал қилишга ва жисмоний, психологик сифатларини тарбиялашга ҳамда болаларнинг ҳаракатланиш усулларини кенгайтиришга ёрдам беради, булар техник-тактик ҳаракатларни эгаллаб олиш учун жуда муҳимдир. Бироқ ёш волейболчиларни танлаш ва тайёрлашда халқ ҳаракатли ўйинларидан фойдаланиш самаралилигини ўрганишга бағишланган махсус ишларни адабиётлардан топа олмадик.

Биринчи босқичнинг мантиқий давоми ҳисобланган умумий таянч тайёргарлигида, нисбатан анча мураккаб масалалар ҳал этилиши керак, мана шу сабабли тайёрлаш мазмуни мунтазам мураккаблашиб боради. Ривожланаётган организм хусусиятларини ҳисобга олиб, шу жумладан, бола организми ривожланиши сенатив даврини ҳисобга олиб тайёргарлик воситалари камайтирилиб борилади (32,59).

Ёш волейболчиларни тайёрлаш мазмунига тезлиги, чаққонлик ҳамда тезлик-кучлилик сифатларини ривожлантириш учун соддалаштирилган қоидалар бўйича мини-гандбол ва мини баскетбол машқлари, ўйин техникасини ва техник ҳаракатларни эгаллаб олишни осонлаштирувчи махсус сифатлари ва қобилиятларини ривожланиш учун тайёргарлик ва йўналтирувчи машқлари, ўқув ҳамда назорат ўйинлари киритилади.

Қатор мутахассислар (46) машғулотларга мумкин бўлган гимнастик, акробатик, енгил атлетика машқларини, шуғулланувчилар ёши жисмоний қобилиятларини ҳисобга олиш билан сузиш машқини киритишни тавсия этадилар. Ушбу даврда жисмоний тайёргарлик мусобақаларига ўйин техникаси, мини-волейболга (12 ёшли болалар), «волейболга (18-14 ёшли болалар) ва албатта, волейбол махсус машғулотлари учун болаларни танлаш масалаларига катта эътибор бериш керак.

Бошланғич тайёрлаш даврида, ўқув-машқ ишларини қуриш хусусиятлари восита ва методларини танлашда универсаллик тамойилидан фойдаланиш, ҳар бир шуғулланувчининг хусусиятларини чуқур ўрганиш ҳисобланади (45).

Дарслар дастурлари асосий йўналиши- ўқитиш, уни амалга ошириш жараёни ёш волейболчиларни техник услублар кенг турларига муваффақиятли ўқитиш учун шарт-шароитлар яратиш ва кўп йиллик машқлар жараёни кейинги аврларида махсус жисмоний тайёргарлиги юксак даражасига эришиш учун керакли асослар яратиш билан боғлиқ бўлади.

Ўқитиш ҳар бир йилдан сўнг ёш спортчиларни тайёрлашга керакли тузатишлар киритилади, шу жумладан, йиллик даврида машқлар компонентларини ҳажмини тақсимлашга ва машғулотлар йуналганлигига тузатишлар киритилади. Биринчи ўқув йилига нисбатан иккинчи ўқув йилида умумий жисмоний тайёргарлигига ажратиладиган вақтни қисқартириш ҳисобига тактик ва интеграл тайёргарлиги соатлари сони ошириб борилади. Тайёрлашнинг иккинчи йили давомида ўрганилаётган техник услублар ҳамда тактик ҳаракатлар тўпламини кенгайтириш масаласи ҳам ҳал этилади.

Ўқув-машқ бажариш гуруҳларида талаблар янада ошади, масалан, йил бўйича соатлар ҳажми бу ерда 520 соатга етади, яъни бошланғич

тайёргарлик гуруҳларига қараганда 104 соатга кўп бўлади (44,45). Тайёргарлик турлари ҳажмларини тақсимлашда, 25% фоизи техник, 28% фоизи тактик, 21% фоизи интеграл тайёргарликка сарфланади.

Муаллифларнинг фикрига кўра, йил бўйича соатларни бундай тақсимлаш восита ва методларини тўғри танлаганда, ёш волейболчиларни тайёрлашда, уларнинг ёши ва жисмоний қобилиятларини ҳисобга олиб биринчи босқичда қуйилган вазифаларни ҳал этишга имкон беради. Уларнинг ёши ва жисмоний қобилиятларини ҳисобга олиш тайёрлаш стратегиясини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлади

Бошланғич ва умумий таянч тайёргарлигида ҳар томонлама тайёрлаш, ёш спортчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириб, уларнинг спорт натижаларини ўсишига ижобий таъсир кўрсатишини ҳисобга олиш керак (72). Шунинг учун ёш волейболчиларни тайёрлаш биринчи ва иккинчи босқичларида фойдаланиладиган воситалар тайёрлаш учунчи ва тўртинчи босқичига қараганда, бироқ хосликларга эгаллиги бошланғич тайёрлаш даврининг муҳим хусусиятлари ҳисобланади.

Шу билан бирга бошланғич давр учун волейболчиларга меъерий талаблар фақат жисмоний ва техник тайёргарлик бўйича кўзда тутилган. Фақатгина анча кейинги босқичларида асосан, мусобақалашиш фаолияти натижалари бўйича тактик ҳаражатларни баҳолашдан фойдаланилади.

Мазмунан турли хилдаги югуришлар, сакрашлар, улоқтириш 1 бошқа ҳаракатлар ташкил этган ўйинлар ҳаракатли ўйинлар деб аъалади.

Бундай ёндашишни тўғрилигига шубҳа қилмай, улар педагогик мазмундаги муаммоларни ва халқ ҳаракатли ўйинлари аҳамиятини ҳамда шунга мос - уларни турларини ўрганишда тўла мослигини, уларга хос алоҳида хусусиятлари сабабли ўзини оқламаслигини курамиз. Юқорида айтиб ўтилган ишда, халқ ҳаракатли ўйинларини турларга ажратиш

тажрибасига уриниб кўрилган, уни эътиборга олмаслик асло мумкин эмас.

Рақиб билан тўқнашмай ва у билан ку-рашда иштирок этмай ўйинчилар курашлари белгиси бўйича жамоа-ни (барча ўйинчиларнинг биргаликда иштирок этиши ва навбат билан иштирок этиши билан ҳамда олиб борувчи ва олиб борувчисиз, жамоасиз) эстафеталарни фарқ қилиш таклиф этилади.

Ҳаракатли ўйинларни ҳам, ҳаракатланиш ҳаракатлари бўйича ўхшатиш (таклид қилиш ҳаракатлари билан), югуриб ўтиш, тўсиқлардан ошиб ўтиш, тўп, таёқчалар ва бошқа предметлар билан йўл топиш ва шу кабилар хатто мустақил жойларни топиш ўйинлари, тайёргарлик (спортга) ўйинлари турларига ажратиш таклиф этилади.

Бошқа, янада замонавий, бевосита айнан ҳаракатли ўйинларга бағишланган ишда, улар бизнинг фикримизча, анча аниқ ифодалана-ли: «ҳаракатли ўйинларнинг ўзига хос хусусиятлари ўйин мазмунида ҳаракатларнинг (туриш, сакраш, улоқтириш, тўпни узатиш ва олиб олиш)яққол ифодаланган роли ҳисобланади. Мана шу ҳаракатланиш жараёнлари, унинг сугенетик (мавзуси, ғоялари) асосланади, улар ўйин мақсадига эришиш йўлида қўйилган турли тўсиқлар ва қийин-чиликларни енгиб ўтишга йўналтирилади.

И.В.Билеева ва И.М.Коротковлар (28) спорт ўйинлари ҳаракатли ўйинлар ва спорт ўйинлари фарқларини кўрсатадилар. Муаллифлар ҳаракатли ўйинлар индивидуал (бир кишилик) ва жамоани (гурухли) бўлиши мумкинлигини, бир-биридан шакли, мазмуни ва методик хусусиятлари бўйича фарқ қилишини белгилаб кўрсатадилар.

Муаллифлар ҳаракатли ўйинлар «жисмоний тарбия ва ўйин методи

воситаси сифатида, жисмоний сифатларни тарбиялашга ва такомиллаштиришга ёрдам беради», деб ҳисоблайдилар (13,28).

Л.В.Билеева бошлаб В.Г.Яковлев билан, кейин эса И.М.Коротков билан ҳам мушакда, педагогик турларга ажратиш давомида, уларнинг мураккаблик даражаси, ёши хусусиятлари, ҳаракатлари асосий турлари, шунда намоён этиладиган жисмоний сифатлари ва шу кабилар билан фарқ қилишини таклиф этадилар (27).

Ҳаракатли ўйинларни турларга ажратишга таалукли турли концепциялар билан танишишни унлаб, уларни мақсадли вазифаси (ўқув, дам олиш учун, даволаш ахсади), ёши хусусиятлари (мактаб ёши ва катталар учун) бўйича жамоали, жамоасиз ва жамоалиларга ўтиш, спорт, оммавий ўйинларга ўтиш гуруҳларига ажратиш мумкинлигини кўрсатувчи М.Коротковнинг ишини айтиб ўтиш керак (7,57).

Юқорида кўриб тилган ишлар сўзсиз халқ ҳаракатли ўйинларни турларга ажратиш тамойилларини ишлаб чиқишга ёрдам берувчи фойдали томонларига эга.

Бироқ табиийки, халқ жисмоний маданияти маълум этномиллийликка мансублиги ҳодисаси сифатида, ўзига хос хусусиятлар келиб чиқувчи кўплаб вазиятларни, ҳисобга олишимизга тўғри келади. Мавжуд ижобий илмий тажрибалар асосида, амалий материаллар хусусиятларидан келиб чиқиб, ушбу сатрлар муаллифлари, уларни турларга ажратишга ёндашишни таклиф этади.

Халқ ҳаракатли ўйинлари жисмоний машқлари биринчи навбатда асосий ҳаракатлар таркиби бўйича турларга ажратилади. Кейинги бобда уларни мана шу мазмунда тўла солиштириб кўриб амалга оширишни кўзда тутлади. Бунга сабаб, бу белгилари уларда муҳим мазмунли ва функционал роль ўйнайди.

1.2. Волейбол ўйинида сакровчанлик сифатини аҳамияти

Сакровчанлик - бу вертикал ёки горизонтал масофани енгиб ўтиш учун юқори даражада мушак ва иродавий кучланишли қобилиятдир.

Волейболчилар учун асосий жисмоний сифатлардан бири сакровчанликдир. Сакровчанлик тезкор кучлилиқ сифатларига мансуб бўлиб оёқ мушакларининг қисқа муддат ичида кучли қисқариш билан ифодаланади.

Айнан шу сифатни юксак даражада бўлиши нисбатан паст бўйли ўйинчиларни баланд бўйли ўйинчилар билан рақобатини ва асосий ўйин малакаларини (зарба ва тўсиқ қўйиш самарали ижро этилишини таъминлайди. (В.Д. Ковалов 1980). Сакровчанликни ривожлантириш учун эса қулай давр бу 10-12 ёшдир. Бу даврда ёш волейболчиларда жойдан туриб баландга сакраш 12,5 см гача ортиши кузатилади. (Е.В.Фомин 1986).

Сакровчанлик сифатининг турлари кўп. Масалан, икки оёқ билан дебсиниб югуриб келиб ёки жойдан туриб вертикал сакраш бир оёқ билан дебсиниб вертикал ёки узунликка сакраш, икки оёқ билан дебсиниб узунликка сакраш ва хоказо. Ҳар бир сакраш турининг ўзига хос мақсади ва мақсадга мос ижро этиш тартиби (техникаси) бўлади. Волейбол, баскетбол, футбол ва бошқа спорт ўйинлари билан шуғулланувчи спортчиларнинг сакровчанлиги бир-биридан фарқ қилади.

Таъкидлаш лозимки, ҳатто бир спорт ўйинида, масалан волейболда-зарба ёки тўсиқ қўйиш, тўп киритиш ёки узатиш учун ижро этиладиган сакрашлар моҳияти жиҳатидан бир-бирига сира ўхшамайди. (Голомазов В.А., Ковалев В.Д., Мельников А.Гю 1976). Боз устига яна шуни эслатиш ўринлики, фақат бир ўйин малакаси – зарба бериш, турига қараб (қисқа ёки баланд тўпдан зарба бериш) сакраш хусусияти умуман бошқача бўлади. Бинобарин, сакровчанлик ёки сакраш чидамкорлиги деган тушунча кўп камровли мазмун, моҳият хусусият ва маънони англатади. Демак, бу

сифатларни ривожлантириш ҳақида гап берганда муайян сакраш тури ва уни ўзига муносиб машқларига алоҳида эътибор берилишига муҳим масаладир.

Сўнгги йилларда волейбол мусобақаси қоидаларининг тубдан ўзгариш ўйин фаолияти ва ўйин малакаларининг ижро этилишига батамом янгича тус бериб юборган. Ҳозирги кунда деярли барча ўйин малакалари аксарият вазиятларда «ҳавода» яъни сакраб ижро этилади (зарба, тўсиқ қўйиш, тўп киритиш, узатиш, тўпни қабул қилиш, йиқилиб қабул қилиш). Ушбу қолатни юзага келиши волейбол амалиётида сакровчанлик ва сакраш чидамкорлиги сифатларига эътибор қаратишни нафақат кучайтиряпти, балки бу сифатларни жадал ривожлантиришга қаратилган янги илмий технологиялар яратишни тақозо этмоқда.

Шунинг учун, кўп йиллик спорт тайёргарлиги жараёнида малакали волейболчиларни тайёрлаш самараси сакровчанлик ва сакраш чидамкорлиги сифатларини ҳар томонлама мукамал тарбиялаш устиворлигига бевосита боғлиқ бўлиб боряпти.

Волейболчилар сакровчанлиги ва сакраш чидамкорлиги ривожлантириш муаммоларини ёритувчи илмий тадқиқотлар ҳамда илмий адабиётлар доираси жуда кенг (Као Ван Тхе 1971, Кондан Н.Н. 1985, Шойлов А.В. 1974, 1981, 1985, Железняк Ю.Д. 1978, 1988, Попичев М.И. 1980, Айрапетьянц Л.Р. 2003, Байирбеков М 2003 ва бошқалар). Юқори малакали спортчиларни эришган ютуқлари маълум маънода уларнинг фундаментал тайёргарлигига боғлиқдир. (Фалин В.П., Фомин Н.А. 1980, Набатникова М.Я 1982, Гужаловский А.А. 1986 ва бошқалар).

Шундай экан, юқори малакали волейболчиларни тайёрлаш ва улар спорт маҳоратини юксак даражага олиб чиқиш дастлабки ўргатиш жараёни самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Ю.Д. Железняк (1991) ни фикрича волейболга ихтисослашган машғулотлар билан илк бор

шуғулланишни 10-12 ёшдан бошлаб мақсадга мувофиқдир. У ўзининг тадқиқотларида айнан шу ёшда болаларни жисмоний ва техник тайёргарлигини жадал ўстириш имкониятларини очиб берди.

Исбот қилинганки дастлабки тайёргарлик босқичида ёш волейболчиларнинг келажакдаги истедодини аниқлашга ёрдам беридаган тест машқларини танлай билиб ва қўллаш катта аҳамиятга эга.

Э.А. Сергеев (1979) бундай машқлар қаторига биринчи навбатда сакровчанлик ва чаққонликни баҳоловчи машқларни киритиш муҳимлигини таъкидлайди. Тайёргарликнинг кейинги босқичларида асосий жисмоний сифатларни, шу жумладан махсус сифатларни баҳолаш имкониятини берувчи тест машқлари таркибини ошириш тавсия этилади.

Албатта, сакровчанлик ва сакраш чидамкорлигини ривожлантириш тайёргарликнинг қайси босқичида амалга оширилишидан қатъий назар бу масала умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик жараёнини қандай даражада режалаштирилишига боғлиқ.

Шунинг учун ушбу жараённинг малакали волейболчиларни тайёрлашдаги аҳамияти, қолаверса асосий ўйин малакаларини (зарба бериш, тўсиқ қўйиш) ижро этиш самраси, сакровчанлик ва сакраш чидамкорлигига тўғридан-тўғри боғлиқлиги ҳақидаги маълумотлар тахлили алоҳида аҳамиятга эгадир.

Махсус жисмоний тайёргарлик (МЖТ) спорт фаолиятидаги долзарб муаммолардан биридир ва барча спорт турларида юксак спорт натижаларига эришиш учун муҳим аҳамиятга эга (В.В. Кузнецов. 1975, В.Б. Сорвалов. 1979, Фолин Е.В. 1985, З.К. Ауремеус Казис 1989, Чан Суан Донг 1987). Шунинг учун махсус жисмоний сифатларни (МЖС) ривожлантириш спортчиларни мусобақа олди тайёргарлигининг асосий йўналишларидан бири бўлиб турибди (С.С. Крючек 1981).

«Волейболчилар тренировкасининг муваффақияти, ўйинчилар МЖСларининг ривожланиш даражасини аниқ ва тўғри назорат қилишига боғлиқдир. Педагогик назорат алоҳида МЖС ни ўзгариш даражаси динамикасини (суръатини) аниқлаш имкониятини беради. Буни асосида МЖТ ни самарали бошқаришни янги йўллари белгилаш мумкин» (Е.В. Фомин 1981). Негаки «тайёргарлик тузилишни оқилона ташкил этишни замонавий йўлларида бири, қисқа вақт ичида спорт формасини ривожлантиришни кўп қиррали моделини тузишдир». (В.И. Максимова, В.А. Никуличев 1983).

Жисмоний тайёргарликни педагогик назорат турларини ўрганиш; А.В. Беляев 1978, Ч.И. Бондаревский 1983, М.А. Годик 1977, 1981, В.М. Зациорский 1982, Ю.А. Жендебин 1982, В.В. Соловьев 1980, Е.В. Фомин 1981 ва бошқаларни ишларида тез-тез учрайди, маълум ривашдаги МЖТни ПН нинг аниқ белгиланган саволларига жавоб бера олади.

Мактаб ёшидаги болаларнинг жисмоний тайёргарлиги ҳамда жисмоний тарбия ва спортга бўлган эҳтиёжини ошириш учун мактаб жисмоний тарбия шакли, восита ва услубиятини такомиллаштириш заруриятини туғдиради. (В. Зациорский 1989).

Ҳозирги жаҳон спортидаги кўрсаткичларнинг жадал равишда янгиланиб бораётганлиги, ёш спортчиларни тайёрлашнинг янги, янада самарали воситаларини, услубларини ва шакллари излашни тақозо этади (В.П. Платонов 1997, Л.П. Матвеев 1989, Ф.А. Керимов 2001).

Кўпгина тадқиқотлар (Као Ван Тхе 1971, Ю.Д. Железняк 1973, А.В. Беляев 1975, Е.В. Фомин 1980, Р.С. Носимов 1990 ва бошқалар) шуни кўрсатадики, волейболчиларнинг спорт маҳоратини юксалиши аксарият холларда тезкор-кучлилик сифати бўйича белгиланади. Ушбу сифатни ривожлантириш волейболчиларни тайёрлашнинг муҳим вазифаларидан

биридир. (Железняк Ю.Д. 1978, Фомин Е.В. 1979, Беляев А.В. 1983, Норалиев М.А. 1987, Гарипов А.Т. 1990 ва бошқалар).

Юқорида қайд этилган маълумотлар шуни кўрсатадики, ёш волейболчиларни махсус жисмоний тайёргарлигини ошириш уларнинг техник малакаларини шаклланишда муҳим аҳамият кашф этади. Демак, юқори малакали волейболчилар тайёрлашда махсус жисмоний сифатлар уларнинг асосий ўйин малакаларини ткаомиллашишда муҳим ўринни эгаллар экан.

Волейбол назарияси ва амалиёти соҳаси доирасидаги кўпгина мутахассислар фикрича (Као Ван Тхе 1971, Мисиниш И.А. 1973, Кондак Н.К. 1985, Кинку Г.К. 1986, Жан Хак 1978). «сакровчанлик» ва сакраш тайёргарлиги волейболчиларнинг ўйин давомида ижро этиладиган техник малакалар самарасини белгилаб беради. Ҳар бир ўйинда иштирок этувчи жамоа ўйинчиларнинг спорт маҳорати, жисмоний тайёргарлиги ва ўйин партияларининг давом этишига қараб техник малакалар ҳажми ва самарадорлиги турлича бўлиши ўз-ўзидан маълум.

Юқорида қайд этилганидек ўйин давомида сакраш сифатини нафақат сони, балки уни қандай баландликда ижро этилаётганлиги ҳам катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун бу сифатни дастлабки ўргатиш босқичидан бошлаб самарали машқлар асосида шакллантириш зарур. Сакровчанлик ва сакраш чидамкорлигини оширишда нафақат махсус машқлар, балки турли мослама тренажёрлардан ҳам фойдаланиш яхши натижа беради.

Масалан; сакраш тумбаси сакровчанликни ва сакраш чидамкорлигини ривожлантиради. Тумба бўлимларидан иборат бўлиб, ҳар хил баландликка қўйиш мумкин. Асосан сакровчанликни оширишда бажариладиган машқлар қуйидагилардан иборат. Бир оёқда ва икки оёқда доксиниб сакраш, сакраб ўтиш, юқорига сакраш ва ҳужумчи зарбасини бажаришдаги сакрашлар

киради. Сакраш эспандерида машқ бажариш сакровчанликни ривожлантиради. Бунда белги ва полга амартизатор бойланади ва осилиб турган тўпга қўлни теккизиш учун сакралади. Машқларни назорат қилишда шуғулланувчиларни жихозлардан тўғри фойдаланиши ва машқларни тўғри ва аниқ бажарилишига эътибор бериш керак.

Юқорида келтирилган машқларни бир маромда бажариш ёш волейболчиларда муҳим рол ўйнайди. Яна шуни айтиб ўтиш жоизки спортчи сакраш қувватини ва эпчиллик ҳаракатини аниқ бир мўлжалга олган ҳолда тўпга ўша куч-қувватини сарфламоғи керак. Волейболчи ўз зонасига жавоб берган ҳолда хужум зарбасини ёки тўпни узатиб беришни, тўсиқ қўйишда бошқа шерикларига ҳалақит қилмаган ҳолда сакрашни аниқ бажариши керак. Ёш волейболчиларда сакровчанликни оширишда мактабдан ташқари ва мактаб шароитларида ҳар хил ҳаракатли ва халқ ўйинларидан фойдаланиш билан ҳам сакровчанликни ошириш мумкин. Масалан; «Қармоқча», «Чехарда», «Бўри зовур ичида», «Қуёнлар полезда», «Ариқдан сакраб ўтиш», «Оқсоқ қарға», «Хўрозлар жанги», «Эшак минди», «Чивинни тут», «Қуёнлар» ва хоказо.

Сакровчанлик ва сакраш чидамкорлиги ўйин мобайнида зарур рол ўйнабгина қолмай усуллари чакқонлик билан бажариш ва ўйин давомида волейболчини жой ўзгартириши ривожланишни яқиндан таъминлайди. Ўйин кетаётган бир жараёнда фавқулотда ҳар хил ҳаракатга солувчи вазиятлар бўлиб қоладики, бу вазиятлар ўйинчини тўсиқ қўйишда ва зарба беришда тез ва аниқ фикрлашини талаб қилади.

1.3. Ёш волейболчиларни тайёрлашда жисмоний сифатларнинг ва ҳаракатли ўйинлар ўрни.

Замонавий волейболда самарали ўйин кўрсатиш ва юқори натижаларга эришиши фақат ўта шаклланган жисмоний тайёргарлик эвазига амалга оширилиши мумкин. Волейболчилар учун жисмоний сифатлар ичида энг эътиборлиси сакровчанлик ва сакраш чидамкорлигидир (В.А. Титарь 1991). Айнан шу сифатлар аксарият ўйин малакаларининг самарали ижро этилишига таъсир кўрсатади.

Лекин бундай хулосадан волейболчилар учун бошқа жисмоний сифатларни аҳамияти камроқ деган фикр келиб чиқиши керак эмас. Аксинча, тезкор ҳаракатланиш, куч билан зарба бериш, иш қобилиятини туширмасдан узоқ вақт малакаларни самарли бажара олиш қобилиятлари ҳам етакчи ўринда туради. Шунинг учун спорт тайёргарлиги тезкорлик, куч, чаққонлик, чидамкорлик ва эгилувчанлик сифатларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ушбу сифатларнинг етарли даражада ривожланган бўлиши спорт маҳоратининг самарали шаклланишига олиб келади. Бошқача қилиб айтганда, бу сифатлар спорт маҳоратини тез ва мукаммал ўсиши учун энг зарур пойдеворидир.

Маълумки, инсон ўз ҳаётида ўйин, ўқиш меҳнат, дам олиш каби машғулотлар билан банд бўлади. Инсон ҳаётининг дастлабки даврларида ўйин асосий фаолият ҳисобланади, кейин эса бу ўқиш билан баробар давом этади, ундан сўнг ва ўйин камайиб, унинг ўрнини ўқиш ва меҳнат эгаллайди.

Инсоннинг болалигидагидек, одамзод тарихининг дастлабки даврларида ўйинлар ҳаётида муҳим ўрин тутган. Ўйинлар ёрдамида инсоният ўсган улғайган, чиниққан, жисман бақувват бўлган, ақлан, руҳан ривожланган, маънавий камол топган. Хуллас, ўйин одамзод тараққиётида катта аҳамият касб этган. Бунинг сабаблари қуйидагича:

Биринчидан, инсонда ўйинга нисбатан табиий эҳтиёж бўлиб, у ҳаётдаги бўшлиқни тўлдирган, инсон танадаги ортиқча кучни сарфлашга, етишмаган кучни тўплашга ёрдам берган.

Ўйинлар инсоннинг турмуши, меҳнати, тажрибаси, ташвиши, кураши, ютуқлари аксини топади. Ўйинлар орқали биз инсоният тарихи, орзу-ўйи муаммолари, ниятларини ўргансак бўлади.

Учинчидан, ўйин инсон маданиятининг энг қадимги кўриниши, кўпгина маънавий соҳа (рақс, томоша-театр, мусиқа, спорт маросим каби) ларнинг чашмаси сифатида хизмат қилган.

Тўртинчидан, ўйинлар авлод-аждодларимизнинг соғломлаштириш воситаси ҳисобланган. Ота-боболаримиз халқ ўйинлари ва мусобақалари ёрдамида ақлан расо, руҳан тетик, жисмонан бақувват бўлиб келган. Соғлом авлодларни шакллантиришда ўйинлар асосий омилга айланган.

Бешинчидан, ўйинлар энг самарали тарбия воситаси. Болалар ўйинлар орқали ҳаётга тайёргарлик кўрган, турмушдаги қийинчиликларни енгишни, машқ қилган, иш ва курашда ғалаба қилишни ўрганган.

Олтинчидан, ўйинлар аждодларимизнинг тажрибасини ўзида уйғунлиштирувчи маданий мерос ва замондошларимизни, айниқса ёш авлодни ақлий, руҳий ва жисмоний баркамол бўлишига хизмат қилувчи бебаҳо манбадир.

Демак, ўйинлар – халқнинг табиий ва тарихий эҳтиёжи асосида шаклланган аждодлар турмуши, меҳнати, тажрибаси, кураши, ютуқларини бошқа шаклда акс эттирадиган, кўпгина маънавий соҳалар чашмаси, соғлом авлодни шакллантирувчи тарбия воситаси ва замондошларимизнинг жисмоний руҳий, ақлий ривожланишга хизмат қилувчи муҳим омилдир.

Маданий меросимизнинг узвий ва ажралас қисми бўлган, авлод аждодларимизга асрлар мобайнида руҳ, жон ва соғлиқ ато этиб келган халқ ўйинларини тиклаш ва улардан самарали фойдаланиш- миллий қиёфамиз,

маънавиятимиз ва қадриятимизни юксалтириш демакдир. Халқ ўйинлари янги соғлом авлодни шакллантиришда ҳам ўта муҳим ўрин тутгани учун биз уларни кўз қорачиғимиздек асрашимиз, эъзозлашимиз ва улардан оқилона фойдаланишимиз зарур.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ўсмирларнинг юксак маънавий ва жисмоний сифатларини шаклланишида энг муҳим воситалардан бири ҳисобланади. Айниқса, ўйинлар мактабгача ёшдаги ва кичик мактаб ёшидаги болаларнинг жисмоний тарбиясида катта ўрин эгаллайди, чунки бу ўйинлар ҳаракат малакаларининг комплекс равишда такомиллашувига, тўғри жисмоний ривожланишига, соғлиқни мустаҳкамлаш ҳамда сақлашни ижобий таъсир кўрсатади.

Умумтаълим мактабини ислоҳ қилиш ёш авлод тарбияси янада кучайтириш, уларни жамоачилик, меҳнатсеварлик ва жамият олдидаги бурчини ҳис этиш руҳида тарбиялашдек ғоят муҳим вазифалар билан боғлиқдир. Бунинг маъноси болаларда мактабда ўқий бошлаган биринчи кунданок меҳнатга муҳаббат, уюшқоқлик, ишчанлик ва бошлаган ишни охирига етказиш хусусиятларини тарбиялаш демакдир. Бунинг учун тарбиянинг барча воситаларидан, хусусан болаларнинг севимли машғулоти ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш айтилиши муддаодир.

Ҳаракатли ўйинлар турли қийинчиликларни енгиш ва ҳар хил фазилат ва қобилиятларни кўрсатишга доир жисмоний машқларни ўз ичига олади. Бундан ташқари одатда болаларга қувонч бағишлайдиган мусобақалар ҳам ҳаракатли ўйинлар жумласига кирилади.

Ҳаракатли ўйинлар юриш, югуриш, сакраш, бирор нарсани иргитиш ёки улоқтириш, бирор нарсага тирмашиб чиқиш каби машқларни ўз ичига олади ва боланинг ҳаракатларини такомиллаштиради. Бундан ташқари ўйинлар бошланғич синф ўқувчиларида ахлоқий сифатларини ҳам ривожлантиради.

Буларга интизомлилик, дўстлик, бир-бирига бўлган муносабат, онглилик, жамоада ўзини тутати билиш ва унинг шартлари, диққатини, обрўси учун кураш, ўртоқларига беғараз, ёрдам бериш каби фазилатларни ҳам шакллантиради. Масалан; «Эпчил болалар», «Қувлашмачоқ», «Ким келди» ва ҳакозолар.

Ўйинни ташкил қилиш ва ўтказишда имкони борича ўқувчиларнинг ташаббускори бўлиши, фаол иштирок этиши учун уларни рағбатлантириш жуда муҳим.

Болалар ижодий фаоллик кўрсатиб ўйин ўйнаётган эканлар, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиб тарбияланадилар. Бир мақсад йўлида ўртоғига ёрдам бериш, мустақил равишда ёки ўртоқлари билан бирга бирор масала юзасидан қарор қабул қилиш ижодий ташаббускорлик намунаси ҳисобланади. Агар болалар ўйинни илгарироқ ўзлаштириб олган бўлсалар, ўйин пайтида болаларнинг фаол бўлиши ўқитувчининг ўйинни ўтказишга қанчалик тайёрланганига боғлиқ бўлади. Маълумки, ҳар бир ўйиннинг ўзига хос хусусиятлари ва қийинчиликлари бўлади.

Тўсиқ ёки қийинчиликларни енгиш билан боғлиқ бўлмаган, яъни анча-мунча куч-қувват сарфлашни талаб қилмайдиган ўйинлар болаларда қизиқиш уйғотмайди.

Кичик мактаб ёши билим кўникма ва малакалар таркиб топишининг, тасаввур ҳамда тушунчалар ҳосил бўлишининг бошланғич давридир. Худди мана шу даврда ўғил ва қизларни мунтазам ҳамда изчил тарбиялаш учун катта имкониятлар вужудга келади. Кичик мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш тизимида ўйинлар алоҳида роль ўйнайди. Ҳар хил ўйинлар топоғонлик ва меҳнатга муносабат ҳамда, болаларнинг характери ва қобилиятлари, дарс усулияти нуқтаи назаридан, ҳатто энг мақул бўлган бир хил шароитдагина нисбатан анча яққолроқ кўринади.

Тўғри ўтказилган ўйин кўп нарсани ўргатишга ёрдам беради. Болаларнинг барча ёш босқичларида уларга ишонч ва ҳақиқат сифатида хизмат қилган ҳамда уларнинг зехни ва билимига интилиши лозим бўлган ўйинларга қизиқиш сусайиб бормоқда. Ваҳоланки, болаларни ўйинларнинг куч-қувват ва кулги бахш этадиган хилма-хил, жўшқин ва эркин вазиятларига олиб кириш ҳамда жафокаш педогогиканинг асрий саволларига тегишли жавобларни ана шу вазиятлардан излаш керак.

В.А.Сухамлинский ўйинларда болалар дунёни кўринишни, шахснинг ижодий қобилиятлари акс этишини, ўйинларсиз ҳақиқий баркамоллик ҳам бўлмаслигини ўқтирган эди.

Ҳозирги шароитда ўзбек халқ ўйинларининг асосий вазифаси ўз мазмуни ва усулияти болаларнинг жамиятимиз талабларига мувофиқ йўсинда тарбияланишини таъминлаш, уларда ахлоқий, иродавий сифатларни ривожлантириш ижодкор ва бунёдкорларга хос билим, кўникма ҳамда малакаларни, ватанаврар фуқароларга хос фазилатларни шакллантиришдан иборат.

Қадимги тарбия тизимда ўйинлардан шахсни шакллантириш воситаси сифатида кенг фойдаланилган.

Қадимги файласуфлардан Арасту ҳам болаларнинг бўш вақтни хушнуд ўтказиш учун ўйинлардан фойдаланиш зарурлигини, чунки ўйинлар дилхушликдан иборат бўлиб, хордиқ чиқаришга ёрдам беришни ўқтирган.

Ўрта асрлардаги педагоглар болаларни жисмоний камол топтириш учун катта ғамхўрлик кўрсатганлардир. Жисмоний тарбия услубиятини ишлаб чиқиб, унда ўйинларга катта ўрин берганлар.

Россияда тарбиявий мақсадларда халқ ўйинларидан фойдаланиш ҳақидаги ғояларни В.Г. Белинский, Н.А. Доблюбов, Н.Г. Чернешевский олға сурдилар.

Улар халқ ўйинларини таълим ва тарбиянинг муҳим воситаси, деб ҳисобланганлар ҳамда юқори баҳоланганлар.

Е.А. Покровскийнинг махсус китоби «Детские игры, тренировочно русские» Россиядаги ва бошқа халқлардаги болалар ўйинларининг моҳиятини ёритишга бағишланган эди.

С.А. Шмаков ўйинларнинг тарбиявий имкониятларини ифодалаб, шундай деб ёзган эди; Ўйин гўё соядек, бола билан бирга туғилган, унинг хамроҳи, ишончли дўстига айланган, лекин бу уни узок йил давом этиши учун яхши деб ҳисоблаймиз. Ўйин жуда катта, баъзан кўз илғамас тарбиявий томони, гоё кенг педагогик имкониятлари туфайли инсонлар эътиборини қозонади.

Ўзбек халқ ўйинларининг тарбиявий аҳамияти ҳақида гап борар экан, шуни алоҳида такидлаш лозимки, улар энг аввало болаларда ўз қишлоғига, шаҳрига, Ватанга ва у ерда яшовчи бирча халқларга муҳаббат, ҳурмат ҳамда эҳтиром ҳисларини, миллий ғурурни тарбиялавди. Энг муҳими ўзбек халқининг миллий маданиятига, ўтмишдаги ва ҳозирги турмушидаги миллий анъаналари ҳамда санъатига муҳаббат уйғотади.

Шунингдек, ўқувчиларни ҳалолликка саҳоватли бўлишига ўргатади. Катталарнинг тажрибасини болалар ва ёшларга, ўтказишнинг воситаси сифатида хазмат қилади, ўғил ва қизларда меҳнатга онгли муносабатни шакллантиради, уларнинг кучди, чакқон, серҳаракат, зийрак, топқор, ўзаро ҳамкор бўлишларига ёрдам беради.

Ўзбек халқ ўйинлари орасида ғоявий-сиёсий ақлий, ахлоқий, меҳнат, эстетик ва жисмоний тарбия билан боғлиқ, ўйинлар ҳам бор. Халқ миллий ўйинлари таркибида ҳаракатли ўйинларнинг тарбиявий аҳамияти жуда каттадир. Бу тўғрисида мутахассис ва таниқли олимлар Усмонхужаев П.С, Насриддинов Ф.Р., Атаев А.К., Холдоров Т.Х., Алимбеков И. Абдуллаев А., Тошпулатов, Абдумаликов Р ва бошқалар муфассал баён этганлар.

Ўзбек халқ ўйинлари жараёнида ўқувчиларнинг меҳнат кўникмаларини эгаллаши уларда кишиларнинг меҳнатдаги қақрамонлиги ва гўзаллигини тарбаиялашнинг дастлабки куртаклари ҳисобланади.

Ўйин жараёнида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ижод моддий ва маънавий бойликлар яратишнинг воситаси, ниҳоят қувонч ва завқ-шафқ манбаи бўлган меҳнат хусусиятларига доир ташанчалар шаклланади. Улар жамоа меҳнатининг аҳамиятини билиб оладилар.

Ўзбек халқ ўйинлари кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда билиш имкониятлари ва тафаккурини ривожлантириш улар хотирасини буюмлар ҳамда табиат ижтимоий ҳаёт воқеалари тўғрисидаги турли маълумотлар билан бойитиш сўз бойлигини кўпайтириш, маънавий қизиқиш манбаи тарбиялашнинг ажойиб манбаи ҳисобланади.

Ўзбек халқ ўйинларнинг жуда катта тарбиявий имкониятларини ўқувчиларда қатъийлик ва дадиллик қаби ирода сифатлари шаклланишда кўриш мумкин. Шунингдек, ўқувчиларда сезги, идрок, диққат, хотира, хаёл сингари психик жараёнларнинг амалга ошишининг айрим хусусиятларини таҳлил қилишда ҳам ўзбек халқ ўйинларининг тарбиявий имкониятлари яққолроқ англанади.

Ўйин жараёнидаги идрок кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларда кузатувчанликни тарбиялайди. Жисмоний машқлар билан шуғулланиш жараёнида болада шунингдек ҳаракат хотираси ҳам ривожланади. Кичик ёшдаги ўқувчилар жисмоний тарбия дарсларида таҳлил синтез ва таққослаш усулларини эгаллаб, оладилар.

8-12 ёшли болалар билан энг оддий ҳаракатлар юриш, югуриш, сакраш ва улоқтириш таҳлил қилиб туриш зарурлигини П.Ф.Лестгафт ҳам қайд қилган эди.

Кичик мактаб ёшидаги болаларда ироданинг таркиб топиши муносабати билан ихтиёрий хулқ-атвор ривожланади. Бунга мактаб ва уйдаги меҳнат

фаолияти, жисмоний машқлар ва ундаги меҳнат фаолияти, жисмоний машқлар ва ўйинлар ёрдам беради. Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг жисмоний, ақлий, ахлоқий, эстетик ривожланишида ўйин катта аҳамиятга эга. А.С. Макаренконинг фикрича, айнан ўйинда боланинг куч-қайрати намоён бўлади, фаоллиги ривожланади, қувонч тўйғуси пайдо бўлади.

Ўйин болаликнинг йўлдоши. Болаларни тарбиялаш уларни ҳар томонлама ривожлантиришда ўйин катта аҳамиятга эга. Бу жуда кўп ўтказилган илмий тадқиқотлар ва болалар устида олиб борилган кузатишлар билан тасдиқланади. «Қармоқча», «Бўри зовур ичида», «Қуёнлар полизда», «Сакроғич», «Тепар тош», «Чехарда» каби ўйинлар болалардан сакровчанликни, сакраш чидамкорлигини, эпчилликни кучлилиқни талаб этади.

Турли ҳаракатлар боланинг хиссиётига ижобий таъсир этади, иродасини мустаҳкамлайди, мардлик ва мустақилликни ривожлантиришга ёрдам беради. Бу ўз навбатида болаларнинг кичик ёшдан ахлоқий-таълим тарбиясига яхши таъсир этади. Болалар турли халқ ўйинлари жараёнида ўз ҳаракатидан қувонибгина қолмай балки ҳаётни севишга, меҳнат қилишга ўрганади.

Бу биз учун энг муҳим бўлган ахлоқий тарбияни шакллантириш хизмат қилади. Бошқа халқларнинг барча ўйинлари каби, ўзбек халқининг миллий ўйинлари ҳам ёшларни тарбиялашда қимматли восита тариқасида хизмат қилади. Халқ ўйинларининг таснифи тарбия, эрмак, дам олишни йўлга қўйиш воситаси сифатидагина эмас балки жисмоний тарбиянинг муҳим воситаси тариқасида ҳам катта аҳамиятга эга.

Халқ ўйинлари сакровчанлик, чамалаш, мўлжаллаш каби сифатларни ривожлантиради уларни жисмоний тарбия дасрларида қўллаш қуйидаги хулосага олиб келади; Қадимги халқ ўйинларини жисмоний тарбия дасрларида қўллаш ўқувчиларда жуда катта қизиқиш ўйғотади, натижада уларнинг жисмоний ақлий, иродавий хислатларининг ривожланишига ижобий таъсир этади.

Ўйин давомида болалар юрадилар, сакрайдилар, югурадилар, ўрмалайдилар бирон бир буюмни иргитадилар, натижада уларнинг мушаклари ва сезги органлари ривожланади, организмнинг ҳаёт фаолияти янада ошади. Ўйинда боланинг ифодаси, ўз ҳаракатларини ўйин қоидаларига бўйсиндира олиш кўрикмаси шаклланади, у ўзини кўпол ҳатти-ҳаракатлардан тияди, зарур бўлганда чаққон ҳаракат қилишга (югуриш, сакраш, туб чиқариш, тез фикрлаш, оғир ахволдан қутилиб кетиш чегарасини топишга) ўргатади (55,56,59,60,62).

Ўйинлар шуғулланувчиларнинг аниқ психологик стретипа шаклланишининг ўзига хос моделидир, ҳаракат сифатлари ривожланишнинг кўтарилишига имкон беради (31,57).

Ўйиннинг тушунчаси жуда кенг ёш боланинг оддий ҳаракатидан, то спорт ҳаракат фаолияти такомиланишигача ҳар хил ходисаларни қамраб олади. Ўйинлар инсониятнинг энг биринчи ривожланиш босқичида (29,33,34,68) ҳаёт малакалари ҳаракат сифатлари, ҳаракат малакаларининг энг муҳим воситаси сифатида ривожланган. Ўйинчиларнинг биринчи ривожланиш босқичи – инсониятнинг меҳнати болаларнинг тарбиявий ва соғломлаштириш масалалари билан боғлиқ (45,61,71,81,82,83). Улар ҳар хил мақсад билан ўтказилади; элементар ҳаракат малакаларини шакллантириш, мактабгача бўлган болаларда кейин жисмоний машқни ўзлаштиришга бўлган қобилиятни тарбиялаш, ўқувчиларни, талабаларни ҳамда спортчиларни жисмоний тайёргарлигини ошириш (19,27,30,34).

Ўйиннинг беш асосий вазифалари кўрсатилган; ижтимоий тарбиявий соғломлаштирувчи, ўргатиш, машғулотли ва баҳоловчи. Ҳамма вазифаларнинг жисмоний тарбия ва спортдаги педагогик жараён билан ўзаро боғлиқлиги ҳамда аҳамияти шубҳасиздир (34).

Ўйинлар жисмоний тарбия тизимида фойдали восита ҳисобланади, уларнинг аниқ таснифланишини талаб қилади. Лекин уларнинг ҳажми ва

йўналиши ҳар хиллиги таснифни аниқ бир шаклга келтиришга йўл қўймайди (35). Мавжуд бўлган ўйинларни тизимга солиш ташкилий ва педагогик белгилари бўйича кўриб чиқилмоқда (28,35). Усмонхўжаев (1995) ҳаракатли ўйинларни шуғулланувчиларнинг ҳаракат фаоллиги даражаси шунингдек, организмга физиологик таъсири ортиши бўйича таснифланиши таклиф қилмоқда.

Ҳаракатли ўйинларни танлаш йўналишига кўра ҳаракат сифатларини тарбиялаш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади (27).

Кирикч мактаб ёшдагиларга чаққонлий, тезокрик, ҳаракат аниқлиги, мувозанат юзага чиқишнинг кузатилиши хосдир (26,48,64).

Умуман олганда халқ ўйинлари тобора раванқ топмоқда. Шундай бўлсада ўқувчи ёшлар фаолиятдан мақсадли фойдаланишнинг ягона тизими ва уни талаб даражасида қўйиш мумкин. Бу жиҳатларни ўрганиш, илмий-назарий таҳлил қилиш ва амалий таклифлар асосида ўқув-услубий қўлланмаларни ишлаб чиқариш давр таққазосидир.

Боланинг ўсиши ва ривожланиши билан ўйинларнинг мазмуни ҳам ўзгариб боради: ўйин фаолияти дастлабки босқичларда оддий характерда бўлса, кейинчалик у бойиб боради. П.Ф.Лесгафт ўзининг жисмоний машқлар тизимида ўйинларни жисмоний тарбия воситаси сифатида ифодалайди. У ўйин ёрдамида боланинг ҳаётга тайёрланишига эътибор қаратади. Унинг ҳаракатли ўйинларни ўтказиш учун қўйган талаблари бугунги кунгача ўз қимматини йўқотгани йўқ. Масалан, у ҳар бир ўйин олдига аниқ мақсадлар қўйиши, ўтказилаётган ўйин қатнашувчиларнинг куч ва қобилиятларига мос келиши, ўйин шуғулланувчига ижобий таъсир кўрсатиши лозимлигини, уларни тизимли тарзда ҳамда мунтазам ўтказиш, ўқувчиларнинг фаоллиги, мустақиллигини оширишга ҳаракат қилиш зарурлигини уқтирган эди. [98, 159].

1.4. 11-12 ёшли болаларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш халқ ҳаракатли ўйинлари

11-12 ёшли болалар ёшига мос ўйинларни жисмоний сифатларни ривожлантиришига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Тезкорликни тарбияловчи ўйинлар;
2. Кучни оширувчи ўйинлар.
3. Чاقқонликни ривожлантирувчи ўйинлар.
4. Чидамлилиқни ривожлантирувчи ўйинлар.
5. Эгилувчанликни тарбияловчи ўйинлар;

Айрим ўйин турлари болаларнинг барча бўғинларига мос келиши мумкин, яъни жисмоний сифатларни яхлит ҳолда тарбиялашга қаратилган ўйинлар кўпчилиқни ташкил этади, уларда турли жисмоний сифатлар кетма-кет ривожланиши мумкин. Ўйинлардаги бундай изчиллик боланинг билим савияси, турмуш тажрибаси кенгайиши, катта ёшдаги одамлар турмушига чуқурроқ кириб бориши билан боғлиқдир. Дарҳақиқат, ўйинларнинг оддийдан мураккабга томон ўсиши турмушнинг тобора янги қирраларини акс эттириш билан чекланиб қолмай, муайян ўйиннинг ўзига хос бошқа кўринишлари билан бойиши сабабли амалга ошади.

1. Тезкорликни тарбияловчи ўйинлар. Тезкорликни тарбиялаш учун машқлар максимал суратда бажарилиши лозим. Сигналга биноан тезликда жавоб берилишини муайян вақт бирлиги ичида кўп ҳаракатлар бажарилишини ҳамда бутун тана ёки унинг бир қисмини фазода тезлик билан ҳаракат қилишини талаб қиладиган ўйинлар ўқувчида тезкорлик сифатини ривожлантиради. Бунда кўпроқ икки гуруҳнинг фаол мусобақалашишига олиб келадиган ўйинлар ўтказишга эътибор қаратилади.

Ҳаракатдаги объектга нисбатан бўлган реакцияни тарбияловчи ўйинлар бу ўринда яхши натижа беради. Бундай ўйинларга «Дўппи кийишда

ким ғолиб?», «Тўрт муюш», «Бўш жой», «Ким тез ўйнайди» кабиларни киритиш мумкин.

Масалан, «Дўппи кийишда ким ғолиб» ўйини қадимги ўзбек халқининг миллий ҳаракатли ўйинларидан ҳисобланиб, болани тезкорлик, чаққонликка ўргатади. Ўйинда ўқувчилар икки гуруҳга бўлинади. 30 метр масофани иккита дўппи билан белгилаш керак. Ҳар иккала гуруҳдан икки бола шу масофага югуриб бориб келиши ва ўйинни бажариши-дўппи бошидан тушмаслиги керак. Ўйин гуруҳдаги болаларнинг ҳаммасининг бошига дўппи кийгизилгунга қадар давом этади. қайси гуруҳ шартни тез бажарса, ўша ғолиб саналади.

2. Кучни ривожлантирувчи ўйинлар. Бунда ўқитувчи керакли мушак гуруҳларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатадиган ўйинларни танлаши лозим. Кучни ривожлантирувчи ўйинларда ўқувчи ўз тана оғирлигини, биронта ташқи оғирликни ёки рақиб оғирлигини(қаршилигини) енгади. Кучни ривожлантириш учун қуйидаги ўйинлар тавсия этилади: «Хўроз-хўроз» ўйини, «Улоқ», «Отдан ағдариш» , «Оқсоқ бўри ва кўйлар», «Чуқурга тушир» кабилар. Чунончи, «Хўроз-хўроз» ўйинида болалар сони қанча кўп бўлса, ўйин шунча қизиқарли бўлади. Бу ўйинда асосан ўғил болалар қатнашади. Болалар иккига бўлиниб ўйнайдилар. Икки томонда гуруҳ сардорлари сайланади. Ўқитувчи синф ўқувчиларини икки жамоага бўлади. Улар бир-бирларига юзма-юз қараб турадилар. Ўртага икки жамоадан биттадан ўқувчи чиқади. Улар қўлларини орқага тутиб бир оёқлаб сакрашиб, елкалари билан бир-бирларини итара бошлайдилар. Бунда бирорта бола олдин оёғини ерга қўйиши ёки орқасидаги қўлини бўшатиб, ўйнаши мумкин эмас. Ўйиннинг асосий мақсади, ўқувчиларнинг кучини синаш, чидамлилиқни оширишдан иборат.

Бу ўйиннинг яна бир бошқача кўриниши ҳам бор. Бунда иккита ўғил бола қатнашади. Дастлаб ерга доира шакли чизилади. Шу доира ичида ҳар иккала бола ҳам қўллари орқасида, бир оёғини кўтариб, иккинчи оёғида сакраб-сакраб бир-бирини елкаси билан туртиб, доира ичидан чиқиб кетган ёки кўтарилган оёғини ерга қўйган бола ютқазган ҳисобланади.

Тезкорлик ва кучни ривожлантирувчи ўйинлар маълум бир вазифани ҳал этишда катта ёрдам беради.

3. Чаққонликни тарбияловчи ўйинлар. Аниқ ҳаракат қилиш зарур бўлган, бажариш шароитлари ўзгарувчан миллий ўйинларда чаққонлик яхши ривожланган бўлиши керак. Шунга таянган ҳолда чаққонликни тарбиялаш учун «Алмаш қадамлар», «Тирилтиришма», «Урди-қочди», «Олача товук», «Ким чаққон» каби ўйинларни тавсия этиш мумкин.

Мисол учун «Алмаш қадамлар» ўйинини кўриб ўтиш мумкин. Ўйинни бутун синф ўқувчилари иккига бўлиб ўйнаши мумкин. Ўйиннинг қоидаси: болалар узунасига сафланадилар, сўнгра тартиб билан тортилгач, чизик устидан қадамларини чиллак қилиб (кетма-кет) қўйиб ўтадилар. Ўйиннинг уч хилидан фойдаланиш мумкин:

1. Чизик устидан қўлларини ён томонга узатган ҳолда.
2. Қўлларни орқага қилган ҳолда.
3. Қўллар билан бошнинг орқасини ушлаган ҳолда.

Ким шу ўйинни чаққон ва хатосиз бажарса, ўша ғолиб саналади. Чизик устидан юришда ҳаракатда ким мувозанатни бузса, хато қилган ҳисобланади ва ўйиндан чиқади. Ўйин шу зайлда давом этади. Ўйинни дарс вақтида ҳам, танаффусда ҳам бажариш мумкин. Бу ўйиннинг тарбиявий аҳамияти шундаки, у болани руҳан сезгирликка чақиради.

Жисмоний жиҳатдан чаққонликни (ўйин маълум муддатда бажарилиши яъни қайси гуруҳ чизикни тезда биринчи бўлиб босиб ўтиши кераклиги бунда

болалар ўйинларининг руҳи, табиати, характери, иштирокчиларнинг ҳатти-ҳаракатлари в.х. каби томонларига эътибор бериш кераклиги назарга тутилаяпти) тарбиялайди, қоматни тик, тўғри тутишга ўргатади. Бу ўйинни гуруҳларга бўлиб ўйнаш болада жисмоний тарбияга бўлган қизиқишни оширади. Бу ўйиндан қадимда ота-боболаримиз жуда кўп фойдаланишган.

4. Чидамлилиқни тарбияловчи ўйинлар. Кўпчилиқ миллий халқ ҳаракатли ўйинларида ниҳоятда жадал бажариладиган машқлар туфайли тезкорлиқ ва чидамлилиқ каби жисмоний сифатлар тарбияланади. Бундай ўйинларда жисмоний юк (нагрузка) ҳам аста-секин ошириб борилади. Масалан, майдонни катталаштириш; майдонни кичрайтирмай туриб ўйинчиларнинг сонини камайтириш; ўйин жиҳозлари сонини кўпайтириш (таёқча, рўмолча, дўппи, чопон, тўп в.х.) югуриш масофасини узайтириш; тўсиқлар сонини ошириш; мураккаб машқларни қўллаш ва уларнинг сонини кўпайтириш ва ҳоказо.

